# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 5 сентябрь, № 181 (8804) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## АЭРОПОРТ ҚУРИЛИШИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 сентябрь куни «Тошкент — Шарқий» аэропорти қурилишини кўздан кечирди.**

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси изчил ривожлантирилмоқда. Янги йўл ва кўприклар қурилиб, йўловчиларга қулайликлар оширилмоқда. Жумладан, ҳаво йўллари тармоғида Самарқанд, Термиз, Мўйноқ, Зомин, Қўқон, Урганч аэропортлари янгиланиб, ишга туширилди. Сўнгги йилларда “Тошкент — Шарқий” аэропорти қайта қурилмоқда.

Дастлаб 4 километр узунликдаги учиш-қўниш йўлаги қурилди. У энг оғир самолётларни ҳам қабул қилиш қувватига эга бўлди. Айни пайтда юқори мартабали меҳмонлар учун ҳамда бизнес-авиация учун 2 та терминал, перрон ва ангарлар барпо этилмоқда. Аэропорт ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиш-қўнишни таъминловчи ICAO III-A тоифасидаги замонавий радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади.

Шу ерда терминалларнинг ташқи ва ички кўриниши бўйича тақдимот ўтказилди. Давлатимиз раҳбари биноларнинг фасад қисми миллий дизайнда бўлиши, пардозлаш ва жиҳозлашда иссиқ рангларга кўпроқ ўрин берилишига аҳамият қаратди. Юқори мартабали меҳмонларни кутиб олиш, учрашувлар ўтказиш учун барча қулайликларни инобатга олиш зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, мазкур аэропорт “Янги Ўзбекистон” боғи, Олимпия шаҳарчаси билан ёнма-ён. Ушбу мажмуаларни ва йўл бўйини кўкаламзорлаштириш, гуллар экиб, халқимиз маданиятини намоён этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

## ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА ОИД ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 сентябрь куни мактабгача таълимни ривожлантириш, иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Шахс тарбияси ва ривожланишига болаликдан замин қўйилади. Шу боис давлатимиз томонидан мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Охирги етти йилда бу тизимда қамров даражаси 27 фоиздан 74,6 фоизга кўтарилди. Келгуси беш йилда буни 80 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, таълим-тарбия мазмуни ҳам муҳим. Бу ўқув-методик қўлланмалар таъминоти, тарбиячилар салоҳияти, янгича ёндашувлар каби кўп омилларни талаб этади.

Тақдимотда мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, қамровни кенгайтириш мақсадида мактабларнинг бўш ерларида давлат-хусусий шериклик асосида боғча қуришга рухсат бериш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар ҳамма боғчаларда ҳам тўлиқ эмас. Нодавлат муассасалар интернет манбаларидан фойдаланмоқда. Шунинг учун энди барча дастурлар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг веб-сайтида жойлаштирилиши ҳамда ундан бепул фойдаланилиши белгиланмоқда.

Илғор хорижий тажрибада болаларнинг ақлий ва когнитив салоҳияти, жисмоний, руҳий, ижтимоий ҳолати доимий кузатилиб, тарбия йўналтирилади. Шундан келиб чиқиб Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида “Боланинг ривожланиш харитаси”ни юритиш вазифаси қўйилмоқда.

Боғчалардаги педагогларнинг катта қисми ўрта махсус маълумотли. Соҳада малака оширишнинг ҳозирги муддати беш йилда бир марта. Бу жараённи жадаллаштириш мақсадида малака курслари оралиғида “Методик маҳорат соати” ва “Методик маҳорат куни” тадбирларини ўтказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, бу йўналишдаги олий таълимда дуал таълим шаклини очиш, сиртқи ва кечки ўқувларда мақсадли квоталарни ошириш таклиф этилмоқда.

Бугунги кунда давлат боғчаларида давомат, озиқ-овқат харажатлари қоғоз шаклида тўлдирилмоқда. Энди биометрик идентификация қилиш технологиясини қўллаган ҳолда ҳисоботларни рақамлаштириш талаби қўйилмоқда.

Тақдимотда иқтидорли ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда бу борада тайёргарлик ва рағбат тизими анча ўзгарди. 2022 йилда ўзбекистонлик ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида 45 та медаль олган бўлса, бу йил 113 тага етди. Аслида дунёга чиқа оладиган билимли ёшларимиз янада кўп.

Уларни пухта тайёрлаб, натижадорликни ошириш учун халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини 5 — 8-синфлардан бошлаб саралаб олиш йўлга қўйилади. Ҳар бир фан бўйича ўқув дастурлари, адабиётлар, методик тавсиялар ва қўлланмалар такомиллаштирилиб, ўқувчи ва мураббийларга етказилади. Терма жамоаларга чет эллик мутахассислар жалб қилинади, хорижий жамоалар билан қўшма йиғинлар ўтказилади.

Бугунги кунда 22 та халқаро ва минтақавий фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчилар пул мукофоти билан тақдирланмоқда. Энди мукофотланадиган олимпиадалар сони 28 тага оширилади. Республика ва халқаро олимпиадаларда ғолиб бўлган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ва терма жамоа раҳбарларига тўланадиган пул мукофотлари ҳамда совғалар даромад солиғидан озод этилади.

Давлатимиз раҳбари таклифларни янада синчиклаб ўрганиб, ҳар томонлама такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

## ТИББИЁТНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ ВА СУҒУРТА ТИЗИМИ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 сентябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда тиббий суғурта механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.**

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликни эрта аниқлаш ва даволашда бирламчи бўғин жуда муҳим. Шунинг учун давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги ислоҳотларни халқимизнинг, айниқса, олис ҳудудлардаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлардан яна бири — давлат тиббий суғуртаси. Бу борада муайян ишлар бошланган ва тайёргарлик кўрилган.

Давлат тиббий суғуртаси тизимини шу йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, 2025 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикасида жорий этиш таклиф этилмоқда.

Бунинг учун 2024 йил якунига қадар “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” ахборот тизимлари жорий қилинади. Тиббиёт ходимлари улардан фойдаланиш бўйича ўқитилади. Муассасалар зарур техника ва тармоқ қурилмалари билан жиҳозланади.

Бу тизимнинг аҳамияти шундаки, тиббиётда натижага асосланган молиялаштириш усуллари татбиқ қилинади. Суғурта доирасида тиббий хизматларни кўрсатиш ва дори воситаларини тақдим этиш Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади, аҳолидан қўшимча тўлов ундирилмайди.

Давлат тиббий суғуртаси тизимини бошқа ҳудудларда 2026 йил якунига қадар жорий этиш режалаштирилган.

**ЎзА.**

## ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Аксилтеррор марказининг терроризм ва экстремизмга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган қўшма конференциясининг барча иштирокчи ва меҳмонларини самимий қутлайман.

Ушбу муҳим халқаро форумнинг ШҲТ ва МДҲ каби нуфузли минтақавий тузилмалар билан биргаликда ташкил этилиши бепоён минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида якдиллик ва ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилишни яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги анжуман тўпланган тажриба ва билимлар билан алмашиш, хавфсизликка нисбатан замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш учун зарур мулоқот майдони эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Конференция кун тартибига энг муваффақиятли миллий тажрибаларни ўрганиш, терроризмга қарши курашда ҳамкорлик ҳамда фан ва таълим соҳасида алмашинувнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш, экстремизм ва радикализм ғояларининг тарқалишига имкон бермаслик бўйича амалий воситаларни шакллантириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш борасидаги вазифаларга оид долзарб масалалар киритилган.

Аминманки, эртага мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган “Шарқ — Аксилтеррор — 2024” қўшма аксилтеррор машғулотлари ҳам хавфсизликка нисбатан умумий таҳдидларга қарши курашишда ўзаро амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва махсус кучлар бўлинмаларининг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Афсуски, геосиёсий кескинлик ва низоларнинг кучайиши, етакчи давлатлар ўртасида ўзаро ишонч тақчиллиги, глобал хавфсизлик институтлари ролининг пасайиши терроризм ва экстремизм таҳдидларига қарши курашишда очиқ ҳамда самарали халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга кибермаконда хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бормоқда. Бунда ноқонуний фаолият, ёллаш ва радикал ғояларни тарғиб этиш бўйича фаол ишлар миллий чегаралар ва қонунчилик нормаларини тан олмайдиган интернет тармоқлари ҳамда каналлари воситасида тобора кўп амалга оширилмоқда.

Бунинг оқибатида бугунги кунда аҳолининг нисбатан заиф қатламлари вакиллари, жумладан, бизнинг ёшларимиз ва меҳнат мигрантлари “онлайн манқуртлаштириш” қурбонига айланмоқда, турли ноқонуний гуруҳларга жалб этилмоқда ва жиноят содир этмоқда.

Шу боис қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ҳамда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва МДҲ Аксилтеррор маркази фаолияти доирасида бундай хавф-хатар ва таҳдидларни бартараф этиш ва уларга тезкорлик билан жавоб қайтариш бўйича халқаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган қўшма амалий чора-тадбирларни ўтказиш энг муҳим вазифалар ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий стратегияси кенг қамровли, инклюзив ва тизимли ёндашувга асосланган бўлиб, профилактик ва превентив чораларни қўллаш ҳамда вақтида амалий жавоб қайтаришни ўзида мужассам этади. Жамиятда ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш ва очиқ мулоқотни ривожлантириш, таълим-тарбия соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш ўринларини яратиш ва аҳолининг ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бу борадаги устувор йўналишлар ҳисобланади.

Шу билан бирга биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, қонун устуворлиги тамойилига сўзсиз риоя этишни терроризм ва экстремизмга қарши курашишнинг фундаментал асоси деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, “қайноқ нуқталар”дан қайтариб олиб келинган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда БМТнинг Аксилтеррор бошқармаси билан ҳамкорликда Реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича минтақавий экспертлар кенгаши ташкил этилди, тўлиқ миқёсдаги шерикликнинг янги “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Мурожаатимнинг якунида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, минтақада мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида яқин ҳамкорлик ва мамлакатларимиз махсус хизматлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш келгусида ҳам давлатлараро ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Конференциянинг барча иштирокчиларига самарали баҳс-мунозаралар ва муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Анжуман

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

*Айни кунларда Тошкент яна бир нуфузли анжуман — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) X халқаро илмий-амалий конференцияси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича иккинчи конференциясига мезбонлик қилмоқда.*

Бирлашган халқаро конференциялар ишида МДҲ ҳамда ШҲТ-га аъзо 20 та мамлакат (жумладан, ШҲТга аъзо давлатлар ва мулоқот бўйича ҳамкор давлатлар) ваколатли органлари, 9 та Ҳамдўстлик органларининг ишчи тузилмалари, ШҲТ органларининг 2 та ишчи тузилмаси, 22 та илмий-тадқиқот ва таълим ташкилоти ҳамда Интерпол, Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи, ОҲИЧК каби 6 та халқаро ташкилотнинг 10 та ваколатли органининг 250 га яқин вакиллари (жами 47 та делегация) қатнашмоқда.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Маҳмудов Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг анжуман иштирокчиларига мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, мазкур муҳим халқаро форумнинг ШҲТ ва МДҲ каби нуфузли минтақавий тузилмалар билан биргаликда ташкил этилиши кенг минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида якдиллик ва ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилишни яна бир бор тасдиқлайди.

➡ 4

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 13 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 28 августда маъқулланган

Кейинги йилларда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш мақсадида илғор хорижий тажриба ва халқаро сайлов стандартлари асосида сайлов тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе билан учрашди.*

Мулоқот

Унда Ўзбекистоннинг БМТ ҳамда унинг ихтисослаштирилган идоралари, шу жумладан, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида минтақа давлатлари ўртасида яқин қўшничилик алоқалари, иқтисодий ўсиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан бирга гендер тенгликни таъминлаш ҳамда ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, жумладан, таълим билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, таъсирчан парламент назорати доирасида ҳамкорликда аниқ манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 12 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда рақобатни ривожлантириш ва монополияларга қарши курашиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## БИЛИМ, ТАРБИЯ, ТАФАККУР САРЧАШМАСИ

### Умумтаълим муассасаларида янги ўқув йили бошланди

Биринчи қўнғироқ





*4 сентябрь тонги таълим-тарбия олишга ошиқаётган, синфдошларию устозларини соғинган ўқувчилар, айниқса, илк бор мактаб остонасига қадам қўяётган жажжи болажонлар учун ҳаяжонли, ўзига хос унутилмас тонг бўлди, десак, янглишмаймиз. Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик шодиёналарига ҳамоҳанг тарзда умумтаълим даргоҳларида янграган биринчи қўнғироқ орзиққан кўнгилларга қувонч олиб кирди, қалблар умид қанотларини кенг ёзди.*

➡ 4

Акмал МУҲАММАДОВ ва Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга ҳар бир фуқаронинг тенг сайлов ҳуқуқи кафолатларини кучайтириш мақсадида фуқароларга бир неча марта ёки бошқа шахслар номидан овоз бериш учун сайлов (овоз бериш) бюллетенларини берганлик учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар бўйича молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибига риоя этмаганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига сайлов комиссиясининг ёки референдум ўтказувчи комиссиянинг аъзоси томонидан фуқарога бир неча марта ёки бошқа шахслар номидан овоз бериш учун сайлов (овоз бериш) бюллетенини берганлик, шунингдек сиёсий партияларга сайловда иштирок этиш учун ажратилган давлат маблағлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига оралиқ ёки якуний ҳисоботни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик ёхуд ҳисоботда била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун ҳар бир фуқаронинг тенг сайлов ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлашга, «оилавий» овоз бериш ҳолларининг олдини олишга, сайлов кампанияси вақтида фойдаланилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари тўғрисида тезкор ва ишончли ахборот тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, сиёсий партияларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш бўйича молиявий ҳисобдорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) **146-моддасининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳларнинг ёки сайлов комиссияларининг ёхуд референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов (овоз бериш) бюллетенларига ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни била туриб нотўғри санаш».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил,№ 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5,126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

1) **$V^{1}$ боб** қуйидаги мазмундаги **$51^{10}$** ва **$51^{11}$-моддалар** билан тўлдирилсин:

«**$51^{10}$-модда. Сайлов (овоз бериш) бюллетенларини бериш тартибини бузиш**

Сайлов комиссияси ёки референдум ўтказувчи комиссия аъзоси томонидан фуқароларга бир неча марта ёки бошқа шахслар номидан овоз бериш учун сайлов (овоз бериш) бюллетенларини бериш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$51^{11}$-модда. Сайловда иштирок этиш учун ажратилган давлат маблағлари тўғрисидаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш**

Сайловда иштирок этиш учун ажратилган давлат маблағлари тўғрисидаги оралиқ ёки якуний ҳисоботни сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд ҳисоботда била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «$51^{9}$» рақами «$51^{9}$, $51^{10}$, $51^{11}$» рақамлари билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 4 сентябрь
№ ЎРҚ—953

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда мазкур тизим фаолиятини такомиллаштириш доирасида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг номини аниқлаштирувчи ҳамда давлат ёрдами берилишига таaллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ушбу қўмита билан келишишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритилиб, унга мувофиқ хўжалик юритувчи субъект қайси фаолият турига асосан табиий монополия субъектлари жумласига киритилса, ўша фаолият тури унинг асосий фаолият тури ҳисобланади.

Жазолар тизимини либераллаштириш мақсадида рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг иқтисодий жиҳатдан паст таъсир даражасига эга бўлган бузилишини биринчи марта содир этган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар тарзидаги жавобгарлик чоралари қўлланилмаслигини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун товар ва молия бозорларида соғлом рақобат муҳитини таъминлашга, шунингдек рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг иқтисодий жиҳатдан паст таъсир даражасига эга бўлган бузилиши учун хўжалик юритувчи субъектга нисбатан молиявий санкцияларни қўллашда адолатлилик принципига риоя этилишига хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–682-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда) иловаси **102-бандининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан – товар ва молия бозорларидаги рақобат масалаларига доир, шунингдек давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи лойиҳалар».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлда қабул қилинган **«Рақобат тўғрисида»**ги ЎРҚ–850-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 7, 533-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

1) **4-модданинг ўн учинчи хатбошиси** «табиий монополия шароитларида товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш бўйича фаолиятни» деган сўзлардан кейин «асосий фаолият тури сифатида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **42-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи – бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг иқтисодий жиҳатдан паст таъсир даражасига эга бўлган бузилишини биринчи марта содир этган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди ва унга бундай ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириш берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жарима тарзидаги молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, бундан ҳуқуқбузар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар мустасно.

Ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириш олиш, шунингдек жаримани тўлаш рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган шахсни ваколатли давлат органининг қарорини (тақдимномасини, кўрсатмасини) бажариш ёки рақобат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг иқтисодий жиҳатдан паст таъсир даражасига эга бўлган бузилишлари ҳоллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонун 2-моддасининг 2-бандида назарда тутилган рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг иқтисодий жиҳатдан паст таъсир даражасига эга бўлган бузилишлари ҳолларини ушбу Қонун кучга кирганидан кейин икки ой ичида белгиласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 4 сентябрь
№ ЎРҚ—954

# «ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ!»

## «Адолат» социал-демократик партиясининг шу номдаги Сайловолди дастури тасдиқланди

*Кеча “Адолат” социал-демократик партияси XII Қурултойини ўтказди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Сиёсий Кенгаш вакиллари, Марказий тафтиш комиссияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

**«Сайлов — 2024»**

Қурултойда партиянинг 2020 — 2024 йиллардаги фаолияти сарҳисоб қилинди ва истиқболдаги устувор вазифалари белгилаб олинди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзолари сони ҳисобот даврида 2020 йил бошидаги 438 минг нафардан қарийб уч баробарга ортиб, 1,1 миллион нафарга етди. 2020 йилда бошланғич партия ташкилотлари 6 мингдан ортиқ бўлган бўлса, 2024 йилга келиб уларнинг сони 8 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. 2019 йилда партия аъзоларининг 176 минг нафарини (37 фоизини) ёшлар ташкил қилган бўлса, бугунга келиб умумий аъзоларнинг қарийб 433 минг нафари, 39 фоизи ёшлардан иборат.

Ўтган ҳисобот даврида партия депутатлик гуруҳлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари юзасидан 18 минг 578 та депутатлик сўрови тегишли ташкилотларга юборилган, 9 минг 988 маротаба маҳаллий кенгашлар сессияларида мансабдор шахслар эшитуви ўтказилган, 5 минг 43 маротаба депутатлик гуруҳлари ҳамда ишчи гуруҳлари ўрганиши натижаси юзасидан доимий комиссия йиғилишларига масалалар киритилган, 2 минг 730 та масалани халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига киритишга эришилган.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ҳисобот даврида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 36 та қонун лойиҳаси ташаббускори бўлди.

Адолат, тенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларга содиқлик ва миллий тараққиёт йўлида ишончли ёндашувларни жорий этишни мақсад қилган “Адолат” СДП Қурултойи давомида партия Сайловолди дастури, сиёсий қарашлари ва стратегик режалари таништирилди.

Хусусан, сиёсий майдонда ўзини “сўл марказ” позициясида намоён этиб келаётган ушбу партия социал-демократия мафкурасига содиқ қолган ҳолда янги Сайловолди дастури суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, таълим ва илм-фан соҳалари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, ташқи ва ички сиёсатга йўналтирилгани таъкидланди.

Партия дастуридаги давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган даромадларни адолатли тақсимлаш, жарималар миқдори ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини фуқароларнинг даромадларига мутаносиблигидан келиб чиқиб белгилаш, аҳоли ўртасида кескин табақаланишнинг олдини олиш ташаббуслари ҳам партиянинг социал-демократик ғояларга содиқлигини кўрсатади.

Жумладан, Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, “ақлли тиббиёт” тизимини шакллантириш, нодавлат тиббиёт ташкилотларини “тижорат ташкилоти”дан нотижорат ташкилотга ўтказиш, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш, жойларда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлар ноқонуний айланиши устидан назоратни кучайтириш, таъсирчан қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини оширишда судьяларнинг мустақил бўлиши муҳим мезон ҳисобланиб, судьялар ҳуқуқларини юқори даражада кафолатлаш ва иш юкламаларини мақбуллаштириш мақсадида “Судьялар мақоми тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш, одил судловни амалга оширишда судьялар сонини ошириш ҳамда адвокатура институтини ривожлантириш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида истироҳат боғлари ва сайилгоҳларни хусусийлаштиришни тақиқлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун светофорларда махсус товуш чиқарувчи қурилмалар ўрнатиш каби ғоялар илгари сурилган.

Шу билан бирга, талабаларнинг турар жой билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш, олий таълим муассасаларида ўқув сифатини ошириш учун ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш ҳамда илм-фан соҳаси вакилларининг манфаатларини таъминлаш, олимларнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш бўйича таклифлар илгари сурилмоқда.

Қурултой делегатлари муҳокамалардан сўнг “Адолат” социал-демократик партиясининг “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланган Сайловолди дастурини тасдиқлади.

Қурултой кун тартибидан ўрин олган яна бир муҳим масала — жорий сайловларда депутатликка партиядан кўрсатиладиган номзодларни тасдиқлаш.

Қайд этилганидек, “Адолат” социал-демократик партияси бўлажак сайловларда номзодларни кўрсатишда бир қатор муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди. Боиси партия мақсади парламентда, маҳаллий Кенгашларда халқ манфаатларини тўлақонли ҳимоя қила оладиган, жонкуяр, олдига қўйилган вазифани ортиғи билан адо этишга қодир, фидойи, халқпарвар, эл орасида обрўга эга бўлган, билдирилган ишончга, вазифасига масъулиятли ва адолатпарвар шахсларни кўришдир.

Қурултой якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига мажоритар бир мандатли округлар бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат бўйича 100 нафар номзод кўрсатилди.

Номзодларнинг 45 фоизи аёллардан иборат. 175 нафар номзоднинг барчаси олий маълумотга эга, уларнинг 25 фоизини педагоглар, 20 фоизини ҳуқуқшунослар, 18 фоизини тиббиёт, 37 фоизини иқтисодиёт, ижтимоий ва бошқа соҳалар вакиллари ташкил қилади. Шунингдек, номзодларнинг 18 нафарида фан номзоди (PhD) ва 23 нафарида фан доктори (DSc) илмий даражаси мавжуд.

Қурултойда таъкидланганидек, номзодларга оид ҳужжатлар номзодларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилинади.

Қурултойда партиянинг сиёсий стратегияси, шунингдек, юртимизда иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа соҳалардаги ислоҳот ва янгиланишларни изчил давом эттиришга қаратилган аниқ мақсадларига таяниб, партия фаоллари, депутатликка номзодлар ва жами аъзоларининг бирлашган кучи билан барча соҳада ижобий ўзгаришларни амалга оширишга тайёр эканлиги ва ғалаба қозониш учун барча имконият мавжудлиги қайд этилди.

**«Адолат» СДП Матбуот хизмати.**

**Шу йилнинг 15 — 17 сентябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон ва Хитой бренди бўйича маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилади.**

# Минтақамиз тараққиётига йўналтирилган дастурий ташаббуслар

*Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро майдонда ўз ўрни ва овозига эга бўлиб боряпти. Буни мамлакатимиз Президенти илгари сураётган ғоя ҳамда ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан мунтазам равишда эътироф этилаётгани ҳам тасдиқлайди.*

## Мушоҳада

Ўзбекистон етакчиси шу йил 9 август куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувида минтақа келажаги, унинг тинч, фаровон ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган аниқ дастурий ташаббуслар билан чиқди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу ташаббус ва таклифлар ҳозиргидек ўта таҳликали вазиятда Марказий Осиёда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш, шунингдек, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши ҳамкорликда чоралар кўриш бўйича амалий механизмларни қамраб олгани билан алоҳида эътиборга молик.

Кези келганда, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари бундан олти-етти йил илгари бошланганини айтиш жоиз. Шу боис ҳам Ўзбекистон етакчиси минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва энг аввало, ўзаро ишончни қайта тиклаш ва янада мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони билан тақдирланди. Бу, албатта, ҳар биримизга фахр бағишлайди.



Дарҳақиқат, Марказий Осиё давлатларининг мутлақо янги сиёсий муҳитдаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми бир неча баробар кўпайди, кенг кўламли ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда, чегараолди савдо ҳудудлари, қўшилган қиймат занжирлари, замонавий транспорт ва энергетика инфратузилмаси барпо этилмоқда. Муҳими, бирдамлик ва минтақамизнинг ўзига хослиги туйғуси барча минтақа давлатлари фуқароларининг онгига чуқур кириб бормоқда.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев тақдирлаш маросимидаги нутқида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари номидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақада бугун ҳукм сураётган дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги улкан ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, давлатимиз раҳбари эришилган марра ва натижаларни мустаҳкамлаш, уларнинг бардавомлигини таъминлаш ҳозирги даврнинг стратегик аҳамиятга эга вазифа эканлигини алоҳида урғулаб ўтди. Зеро, минтақамизнинг тинч-осойишта ва барқарор ривожланиши учун Марказий Осиёдаги барча давлатлардан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар талаб этилади.

Президентимиз минтақамизни тинч ва фаровон ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади бўлиб қолишини қатъият билан таъкидлаб, шундан келиб чиқадиган 6 та аниқ ва амалий таклифларни билдирди.

Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган ҳар бир таклиф ва ташаббус бугунги кунда ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Шу боис ҳам улар минтақамиз етакчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Албатта, ушбу таклиф ва ташаббуслар ҳамда бўлиб ўтган саммит ва унда эришилган келишувлар ижроси биз, парламент аъзоларидан катта масъулият талаб этади. Шу боис биз бундан кейин ҳам минтақамиздаги давлатлар парламентлари билан алоқаларни изчил давом эттиришни ўзимизга вазифа сифатида белгилаб олдик. Ишонамизки, бу интилишлар яқин истиқболда ўз самарасини беради.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

## Сенат қўмитасида

# Қонунлар дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Даставвал сенаторлар “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунни кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, қонун билан аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари, вазифалари, турлари, шакллари ва стандартларини ишлаб чиқиш масалалари қамраб олинган.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Ушбу ҳужжат билан “Таълим тўғрисида”ги Қонунга маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қўшимча киритилмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шу фаолият турига қўйиладиган талабларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланаётир.

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунни ҳам муҳокамадан ўтказди.

Қонун билан фуқароларга тиббий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматлари халқ табобати соҳасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан кўрсатилганлик, шунингдек, хизматларни халқ табобати йўналишида рухсат этилмаган усулларни қўллаган ҳолда моддий қимматликлар олиш ёки мулкий манфаатдор бўлиш эвазига кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланяпти. Мазкур хизматларни омма олдида тарғиб қилганлик учун эса маъмурий жавобгарлик кўзда тутилмоқда.

Мажлис якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат қўмитаси қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

*Бу йил янги Ўзбекистон тарихидаги буюк ва шонли сана — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!” ғояси асосида катта шоду хуррамлик билан кенг нишонланди.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари миллий истиқлолнинг халқимиз тақдиридаги ўрни ва аҳамияти, Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқининг моҳияти ҳақида ўз муносабатларини билдирди.*

## Акс садо

**Зумрад БЕКАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Байрам тадбирида иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг нутқини диққат билан тингладим. Юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар самарасидан қалбимда фахр, ғурур туйғулари яна бир карра жўш урди.

Биргина аҳоли саломатлиги йўналишидаги ишларни оладиган бўлсак, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги, илғор механизмлари жорий қилинди. Соҳага ажратилаётган маблағлар оширилди, тиббиёт муассасалари тармоғи кенгайиб, тиббий хизмат аҳолига янада яқинлаштирилди.

Жумладан, 400 дан зиёд оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктлари қайтадан очилди. Республика миқёсидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар сони 13 тадан 24 тага етказилган бўлса, уларнинг ҳудудларда 70 дан зиёд филиаллари, туман (шаҳар) марказий шифохоналарида 300 дан зиёд ихтисослаштирилган бўлимлари ташкил этилди. Бугун ушбу соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришларни одамлар ўз ҳаётида сезмоқда, ҳис қилмоқда. Буларнинг барчаси — халқимизга эркинлик олиб келган мустақиллик шарофатидандир.

**Одинахон ОТАХОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Президентимиз тантанали маросимдаги нутқида тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, уларни қўллаб-қувватлаш учун барча шарт-шароит яратилишини қайд этди.



Айтиш керакки, жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Тадбиркорлик кодекси ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, ҳеч шубҳасиз, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш, тадбиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Ҳар ойнинг охирги ҳафтасида сайлов округларимизда бўлиб, аҳоли хонадонлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектларига бориб, фуқаролар, тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари билан юзма-юз мулоқот қиламиз. Маҳаллаларда ёшлар, хотин-қизлар билан суҳбатлашамиз. Очиғи, уларнинг кўзидаги қувончни, мамлакатдаги ўзгаришлардан фахр туйғусини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Улар бугун давлат, Президент ҳимоясида эканлигини чуқур ҳис этиб, янги лойиҳалар устида ишламоқда, фаолиятини янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига ўзининг буткул янги қиёфаси ва имкониятларини намоён қилмоқда. Биргина чегаралардаги айрим масалаларни бартараф этишда ҳам ютуқларга эришиляпти. Хусусан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан давлат чегараларини қонуний расмийлаштириш ишлари амалда якунланди.

Ўзбекистон — Тожикистон ва Ўзбекистон — Қирғизистон чегараларида фуқароларни ўтказиш пунктлари фаолияти тикланди, Тожикистон билан визалар бекор қилинди, 90-йилларнинг ўрталарида тўхтатилган темир йўл, ҳаво ва қуруқлик алоқалари йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Тошкент нафақат Марказий Осиёда ижобий оҳанг ва интеграция йўналишини, балки минтақавий жараёнлар ривожланишининг кейинги динамикасини ҳам белгилаб бермоқда. Хусусан, сармоявий ҳамкорлик фаоллашди, товарларни экспорт қилиш йўлаклари очилди. Буларнинг барчаси ҳудудни ягона савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация платформасига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратди.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимдаги нутқида бугунги ниҳоятда мураккаб ва таҳликали давр олдимизга янги-янги синов ва муаммоларни кўндаланг қилиб қўяётганини қайд этди. Бу эса барчамиздан катта масъулият талаб қилади. Биз демократик ислоҳотларни изчил давом эттириб, халқимизни рози қилиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

**Турсиной МУРАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий эътиборни бешта устувор йўналишга қаратди.

Айниқса, сифатли таълим тизимини йўлга қўйишни биринчи навбатдаги вазифа сифатида белгилаб бергани, шунингдек, хотин-қизларни ўқитиш масаласини яна бир бор кўтариб чиққани эътиборга молик. Бинобарин, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлади. Шундай экан, қиз бола болаликдан яхши таълим олса, унга ўз вақтида ҳунар ўргатилса, бу жамият учун фойдали бўлади.

Мустақиллик — энг буюк неъмат! Модомики шундай экан, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиш энг олий мақсадимиздир.

**«Халқ сўзи».**

## Муносабат

# МАҲОРАТ ВА ЖАСОРАТ УЙҒУНЛИГИ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бу жараёндаги тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдиришда шоир ҳамда журналистлар нисбатан фаол. Буни очиқ эътироф этиш лозим.*

Жумладан, шу йилнинг август ойида гувоҳи бўлганимиз икки муҳим воқеа — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи ва Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги иштироки ҳамда спортчиларимизнинг Париж Олимпиадасидаги тарихий ғалабаси ҳақида улар кўп ва хўп ёзишди. Айниқса, Париж Олимпиадаси натижалари ҳамда унинг совриндорларига бағишланган ашъорлар кўп битилди. Айрим шеърлар қўшиқ бўлиб ҳам улгурди.

Лекин бу борада илмий исботланган, чуқур таҳлилга асосланган, жараёнларга холис ва адолатли баҳо берадиган публицистик чиқишлар кам бўлди. Одам ўйланиб қолади: нега дунё афкор оммаси айтаётган гапларни биз айтмаслигимиз керак? Шу маънода, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Уйғонаётган арслон” номли мақоласи эътирофга сазовор. Ушбу мақола тарих ва ҳозирги жараёнларга холис ёндашилгани, илмий хулосаларга бойлиги, ўқувчини мушоҳадага чорлай олиши билан ҳам аҳамиятли.

“Бундан ўн — ўн беш йил илгари сиёсий табиати миллий айирмачилик, ўзаро адоват ва пинҳона душманликка мойил бўлган Марказий Осиё жамиятлари — минг йиллик қўшнилар ўртасидаги муносабатлар бугунга келиб, ҳайрон қоларли даражада ўзгариб кетди. Кечагина бир-биридан устунлиги, “қадимий”лиги ва айнан шу сабабларга кўра, минтақанинг тарихий-маданий меросига кўпроқ дахлдор эканини зўр бериб исботлашга уринаётган, баъзи ўринларда бир-бирини кескин ҳақорат қилишгача бораётган одамлар айнан бугун фавқулодда “якдил қўшнилар”га айланиб қолишди”, деб ёзади мақола муаллифи.

Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бунда давлат раҳбарларининг, айниқса, Ўзбекистон лидерининг хизматлари беқиёс эканини сиёсатшунос дадиллик билан эътироф этади. У ҳамду саноларга берилмайди. Мавзуга вазминлик, холислик билан ёндашади. Ўқувчини кейинги 7-8 йил ичида минтақамизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар ҳақида фикр юритишга ундайди. Бу ислоҳотларни ҳар қадамда, ҳар бир мулоқотда англаш мумкин.

Мен ҳам оромгоҳимизда дам олаётганлардан бирининг суҳбатини эсладим. У Ғиштқўприкда, чегара ҳудудида яшар экан. Қариндошларининг ярми чегаранинг у томонида. Авваллари чегарани кесиб ўтиш роса қийин бўлган. Энди эса соддалашган.

“Лекин, — деди ҳамсуҳбатим, — шундай кунлар бўладики, чегарадан икки марталаб ўтиш керак. Шу боис ҳар 4-5 ойда паспорт чегарачилар муҳридан тўлиб кетиб, жой қолмайди ва уни алмаштириш лозим бўлади. Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари миллий ID-карталарини ўзаро тан олиш таклифини илгари сурганидан роса севиндик”.

Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбарининг кўплаб бундай халқчил ташаббуслари ҳаммамизни қувонтиради.

Яна бир мисол. Мен ўз меҳнат фаолиятим давомида хотин-қизлар масаласи билан шуғулланганман. Хотин-қизлар қўмитасининг раиси сифатида орзуларим кўп бўлган. Шулардан бири — жаҳонни лол қолдирадиган аёлларни кўриш ва улар билан фахрланиш эди. Менинг бу орзуларим бугун Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари билан рўёбга чиқди. Ўзбек аёллари Париж Олимпиадасида тарихий натижаларни қайд этди. Бу — бир. Иккинчидан эса, мақола муаллифи таъкидлаганидек, Парижда ўтган Олимпия ўйинлари жараёнидаги илиқ таассуротлар барчасидан аъло бўлди: шу спорт ўйини қўшни халқларнинг қалбида бир-бирига нисбатан муҳаббат пайдо бўлганини, олдинги ғаразу хусуматлар қалбларимиздан муз каби эриб кетганини исботлади.

Мақоладан бундай иқтибосларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси ўқувчини фикр ва шукр қилишга ундайди. Янги Ўзбекистоннинг эртанги кунига меҳр-муҳаббатини орттиради. Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилади. Сиёсатшунос муаллифнинг маҳорати ва жасорати айнан мана шунда.

**Фарида АКБАРОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Бўстон санаторийси» масъулияти чекланган жамияти директори.**

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ФРАКЦИЯЛАРИДА

# Долзарб масалаларда масъуллик ва фаоллик кўрсатилди

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот атрофлича кўриб чиқилди.*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида жаҳон иқтисодиётида ўзгарувчанлик ва ноаниқликнинг сақланиши шароитида жорий йилнинг I ярмида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 567,4 трлн. сўмни ташкил этиб, 6,4 фоизга ошгани алоҳида урғуланди.

Ҳисобот даврида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ислоҳотлар натижасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари сони ўтган йилдагига нисбатан қарийб 21,5 мингга ошиб, 833 мингтага етгани эътироф қилинди. Давлат бюджети даромадлари эса 121,0 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос давридагига нисбатан 18,7 трлн. сўмга кўп бўлгани депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Ўтган даврда соғлиқни сақлаш, таълим, инсон капиталини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва атроф-муҳитни яхшилаш учун ажратиладиган давлат харажатлари миқдори ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада ошгани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш нуқталари бўлган соҳаларни қўллаб-қувватлашни молиялаштиришни тўлиқ ва муддатли амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида маълум қилинганидек, ҳисобот даврида ижтимоий соҳа харажатлари учун Давлат бюджетидан 74,1 трлн. сўм ажратилган. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 9,1 трлн. сўм кўп, демакдир.

Таълим соҳасининг барча йўналишини замонавий талаблар асосида олиб бориш бўйича ислоҳотлар давом эттирилиши туфайли ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисмини, яъни 50,3 фоизини таълим тизими муассасаларини сақлаш ва ривожлантириш харажатлари ташкил қилди.

Мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тизимда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш фаол қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, мактабгача таълим ташкилотлари сони 2022 йилда 29 257 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йилига келиб 8 247 тага ортиб, 37 504 тага етди.

2022 йилда республика бўйича умумтаълим мактаблари сони 10 104 та эди, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бу кўрсаткич 56 тага ошиб, 10 160 та бўлди.

Депутатлар ижтимоий соҳада белгиланган вазифаларни таҳлил қиларкан, мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан яхшилаш, олий маълумотли кадрларга бўлган талабни қондириш, қурилаётган ва таъмирланаётган таълим муассасаларида ишларни тезроқ якунлаш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.

**“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш соҳасига 2024 йилнинг I ярим йиллигида Давлат бюджетидан 16 529,6 млрд. сўм ёки 2023 йилнинг мос давридагига нисбатан 996,3 млрд. сўм кўп маблағлар ажратилган.

Ҳисобот даврида болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатларга 214,4 млрд. сўмлик маблағлар ўзлаштирилган. Онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш харажатларига жорий йилнинг 6 ойи давомида 12,5 млрд. сўм бюджет маблағлари йўналтирилган.

Шунингдек, оториноларингология хизматини ривожлантириш харажатларини молиялаштириш учун 2024 йил I ярим йиллигида 4,1 млрд. сўм ажратилган.

Фракция аъзолари ҳисобот даврида эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратиб, тиббий хизмат сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш соҳаси учун бюджетдан ажратилган маблағларнинг ҳар бир сўмидан мақсадли ва самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлашди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари ижтимоий соҳа харажатлари учун Давлат бюджетидан 74,1 трлн. сўм ёки ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 9,1 трлн. сўм кўп маблағ ажратилганига эътибор қаратди.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига тўлиқ мос келиши, ҳисобот даврида бюджет харажатларининг аксарият қисми партия дастурий мақсадлари билан боғлиқ масалалар, яъни ижтимоий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 16 фоиз ортгани алоҳида қайд этилди.

Мунозаралар давомида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг самарали сарфланиши масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳамда таълим тизимини ислоҳ қилишга Давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилаётгани қайд этилиб, бир қатор таклифлар илгари сурилди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида таъкидланганидек, ҳисобот даврида экология, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда иқлим ўзгаришларига қарши кураш ва унга мослашиш борасидаги тадбирлар учун Давлат бюджетидан 2,4 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.

Ушбу манбалар ҳисобидан Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи аҳоли пунктларида қум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида 220 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” барпо қилинган. Чўл ва бошқа тупроқ-иқлим шароитига мос дарахт турлари етиштириш учун 318 гектар ниҳолхоналар, 350 гектар кўчатхоналар ташкил этилган. Жорий йил баҳор мавсумида эса “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 12,3 млн. туп дарахт ва бута кўчати экилган.

Муҳокама давомида аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув тизимларини яхшилаш тадбирларига 551,9 млрд. сўм маблағ йўналтирилгани, 589,2 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиши натижасида 1,5 млрд. куб метр сув ресурслари иқтисод қилишга эришилгани фракция аъзолари томонидан эътироф этилди.

Депутатлар соҳада амалга оширилаётган амалий ишларни ижобий баҳолаш билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берди.

*Фракциялар йиғилишларида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йил олти ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот депутатлар томонидан маъқулланди.*

**«Халқ сўзи».**

**Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида трикотаж ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.**

«ПАРИЖ — 2024»



# Сервер Ибрагимов – кумуш медаль соҳиби

*Парижда давом этаётган Паралимпия ўйинларининг пара ўқ отиш аралаш дастурида 50 метр масофага тўппончадан отиш бўйича финал баҳслари якунланди.*

Унда финалгача етиб борган ҳамюртимиз Сервер Ибрагимов 215,3 очко жамғарган ҳолда иккинчи натижани қайд этди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Мазкур йўналишда биринчи ўринни хитойлик Чао Янг, учинчи ўринни эса италиялик Давид Франкечетти банд қилди.

Ўзбекистоннинг мазкур Паралимпиададаги медаллари сони 15 тага етди. Делегациямиз ҳисобида 6 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза медали бор.

**«Халқ сўзи».**

# БИЛИМ, ТАРБИЯ, ТАФАККУР САРЧАШМАСИ

## Умумтаълим муассасаларида янги ўқув йили бошланди



←1

Мамлакатимиз мактабларида 2024/2025 ўқув йили бошланиши муносабати билан ташкил этилган “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!” шиори остидаги “Билимлар куни” тадбирлари юқори савияда, кўтаринки кайфиятда ўтди.

Таълим даргоҳлари эрталабдан байрамона безатилди, ушбу шодиёнага алоҳида тайёргарлик кўрган меҳрибон устоз-мураббийлар, илм талабгорлари ва уларнинг ота-оналари, яқинлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари тўпланди. Тадбир аввалида таълим тизими масъуллари ва ўқитувчи-муаллимлар сўз олиб, бу куннинг аҳамияти, юртимизда навқирон авлод таълим-тарбияси учун яратилаётган имкониятлар хусусида сўз юритди. Шундан сўнг она Ватанимиз, истиқлолимиз, буюк тарихимиз, порлоқ келажагимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Биринчи қўнғироқ садолари жаранглаб, устозлару ўқувчиларни синфхоналарга чорлади. Илк сабоқ “Мустақиллик дарси” билан бошланди.

Дарҳақиқат, мактаб — беғубор орзуларга қанот берувчи табаррук маскан, илм шамчироғининг бебаҳо гавҳари, инсонга илк ҳарф танитган, ёзиш, ўқиш ва уқишни ўргатадиган муқаддас даргоҳ. Бу ерда олинган билим ва тарбия инсоннинг баркамол вояга етиши, ҳаётда ўз ўрни ва йўлини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, юртимизда ёш ўғил-қизларнинг билим сирларини эгаллаши, дунё илмларидан хабардор бўлиши, шинам, кенг ва ёруғ синфхоналарда сабоқ олиши, шунингдек, ўқитувчи-мураббийлар малакасини ошириш, маҳоратини юксалтириш, уларни зарурий енгилликлар билан таъминлаш, умуман олганда, таълим тизимини ривожлантириш мақсадида яратилаётган шароитлар кўзни қувонтиради.

Шахсан давлатимиз раҳбарининг таълим тизимига қаратаётган алоҳида эътибори, соҳа ходимларини олға ундаши, меҳр кўрсатиши, ҳар доим бу тизимни янада яхшилаш кераклигини айтиши барчамизни тўлқинлантиради. Хусусан, Юртбошимиз куни кеча мустақиллик байрами муносабати билан йўллаган табригида ҳам янги Ўзбекистонни барпо этишда, аввало, сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш биринчи галдаги вазифа эканлигини таъкидлагани сўзимиз исботидир. Албатта, Президентимизнинг табрикдаги “Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган калит ҳам — фақат ва фақат таълим ва тарбиядир” деган сўзлари соҳа ходимларига билдирган юксак ишонч белгиси ўлароқ катта масъулият юклашига шубҳа йўқ.

Жорий ўқув йили ҳам бир қатор хушхабарлар билан бошланди. Хусусан, ҳудудларда бир қатор янги мактаблар ўз фаолиятини йўлга қўйди, кўплаб умумтаълим масканлари қайта таъмирланди, шароитлари яхшиланди.

— Сўнгги йилларда мактаб таълими тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида соҳадаги ҳар бир жабҳада катта ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди Чилонзор туманидаги 126-умумтаълим мактабининг директори Муяссар Баҳромова. — Асосийси, ушбу ислоҳотлар самарасини биз, устоз ва мураббийлар ўз фаолиятимиз мисолида кўриб, ҳис қиляпмиз. Хусусан, таълим даргоҳимиз 2020 йилда капитал таъмирдан чиқди, имкониятлари янада кенгайди. Жорий ўқув йилида мактабимизга 185 та ўғил-қиз биринчи синфга қабул қилинди. Биласизми, ҳар бир ўқитувчи қўлида таҳсил олаётган ўқувчиларга ўқувчи эмас, ўз болам, фарзандим дея қарайди. Азиз болажонларимизга таълим-тарбия бериб, элу юртга керакли инсон сифатида тарбиялашда давом этамиз.

Янги ўқув йилида мамлакатимиздаги 10 мингдан ортиқ мактабларга 700 мингга яқин ўғил-қизлар 1-синфга қабул қилинди. Ҳайрат ва қувончдан порлаган кўзлар, эзгу орзу ниятли ўғил-қизлар синфхоналарга биринчи қадамини қўйди, устозларидан илк сабоқларни олди. Уларга 12 номдаги мактаб анжомларидан иборат “Президент совғалари” топширилгани қалбларни қувончга тўлдирди, десак, айни ҳақиқат.

— Мактаб, айниқса, устозларимизнинг менга “қизим” дея гапириши жуда ёқди, — дейди ушбу мактабнинг 1-синф ўқувчиси Имона Фармонова. — Бугунги айём тадбири зўр бўлди, қўшиқлар, шеърлар айтдик. Синфхонага кирганимизда ичига турли ручкаю қаламлар, расм дафтарлари солинган портфель беришди, энди ҳар куни мактабга келаман, аъло баҳоларга ўқийман.

Муқаддас маскан — таълим даргоҳларига билим истаб келаётган ўғил-қизлар юртимизнинг эртасини белгиловчи катта куч, бугунимиз суянчи, кўзимизнинг оқу қорасидир. Истардикки, уларнинг илм олиш, ўқиб-ўрганиб халқимизга керакли инсон бўлиш, нурафшон келажак яратиш йўлидаги интилишу орзу-мақсадлари ҳарорати ҳеч қачон сўнмасин.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

←1

Қайд этилишича, геосиёсий кескинлик ва низоларнинг кучайиши, глобал хавфсизлик институтлари ролининг пасайиши терроризм ва экстремизм таҳдидларига қарши курашда очиқ ҳамда самарали халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси, генерал-лейтенант Абдусалом Азизов сўзга чиқиб, ШҲТ ҳамда МДҲ маконида кечаётган мураккаб ва қарама-қарши ҳарбий-сиёсий жараёнлар мамлакатларимиздан халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашда саъй-ҳаракатларимиз ҳамда мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни бирлаштиришни талаб этишини айтиб ўтди. ШҲТ ва МДҲга аъзо мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар санаб ўтилди. Вазият халқаро террорчилик ташкилотлари бошлиқларининг давлатларимизга қарши ўзларининг бузғунчи режаларидан воз кечмаганликлари билан янада мураккаблашмоқда.

ШҲТ бош котиби ўринбосари Нуран Ниязалиев эса ўз чиқишида бугунги мураккаб геосиёсий шароитда терроризм, экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш ниҳоятда муҳим масала эканини қайд этди. Унинг фикрича, ШҲТ МАТТ форумининг МДҲнинг терроризм ҳамда экстремизмга қарши курашиш бўйича иккинчи конференцияси билан бирга ўтказилишини эътироф этиб, бундай ёндашув минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласида ўзаро фикр алмашиш ҳамда ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш учун келишилган таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Шунингдек, тадбирда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Р. Мирзаев сўзга чиқиб, ҳозирги геосиёсий жараёнлар давлатлар, энг аввало, ШҲТ ва МДҲ мамлакатлари хавфсизлиги ҳамда суверенитети учун янги чақириқларни шакллантираётганини, бу, айниқса, “ИШИД”, “Ал-Қоида” ва бошқа гуруҳлар томонидан террорчилик таҳдидлари юқори даражада бўлган шароитда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Шу билан бирга, МДҲга аъзо давлатлар Аксилтеррор маркази раҳбари Евгений Сисоев ўз нутқида Афғонистонда террорчилик ҳаракати сезиларли даражада пасайганини қайд этди. У минтақавий низолар ҳудудларидан халқаро террорчилик ташкилотлари жангариларининг кириб келишини камайтириш мақсадида афғон ҳокимияти вазиятни барқарорлаштириш, террорчилик гуруҳларига қарши курашиш, ташқи чегараларни мустаҳкамлаш бўйича фаол ишлар олиб бораётганини таъкидлади.

Конференцияда қайд этилишича, 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши бу борадаги туб бурилиш бўлди. Мазкур ҳужжатларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари, ҳокимият ва бошқарув органларининг фуқаролик жамияти институтлари, хорижий ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Конференция давомида “Терроризм ва экстремизмга қарши курашда миллий тажриба”, “Халқаро терроризмга қарши ҳамкорлик”, “Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш фаолиятини илмий-маърифий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш” каби мавзуларда панель муҳокамалари бўлиб ўтди. Уларда халқаро ҳамда минтақавий даражада ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қўшма самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Анжуман доирасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар делегациялари аъзолари Мустақиллик монументи пойига гул қўйдилар.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ БИНОДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

*Қўшработ туманининг “Юқори Жўш” ва “Оқчобсой” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида Самарқанд вилояти прокуратураси ташаббуси билан қурилган 2 та мактаб ва 2 та кўприк фойдаланишга топширилди.*

Хўш, нега бу ҳудудларда янги мактаб қурилди? Чунки бу мактабларнинг бири Қўшработ тумани марказидан 40 километр, иккинчиси 60 километр узоқликда жойлашган ва иккисида ҳам бир хил муаммо — бинолар эски, ўқувчилар сони меъёрдан кўп. Жой етишмаслиги, яқин ўртада бошқа мактаб йўқлиги учун дарслар икки навбатда, ҳатто йўлак ва спорт залида ҳам ўтиларди.

Хусусан, Оқчобсой маҳалласидаги 51-умумтаълим мактабининг эски биноси 1970 йилда ҳашар йўли билан хом ғиштдан қурилган. Бугунги кунда фойдаланишга бутунлай яроқсиз ҳолатда эди. 2007 йилда инвестиция дастури асосида қуриб берилган 140 ўринли бино 360 нафар ўқувчини сиғдира олмаган. Дарсларнинг асосий қисми нураб бораётган бинода ўтиб келинган. Юқоридагиларни инобатга олиб, вилоят прокуратураси ташаббуси билан 2,4 миллиард сўм маблағ эвазига мактабга 220 ўринли қўшимча бино қуриб берилди. Шунингдек, муассасанинг 2007 йилда қурилган биноси тўлиқ таъмирланди. Минифутбол майдончаси ва ўқувчиларнинг мактаб ҳудудига хавфсиз кириб-чиқиши учун сой устида кўприк қурилди.

Янги мактабнинг очилиш маросими муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда вилоят ва туман ҳокимликлари, прокуратура ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Сўз олганлар йиғилганларни янги мактаб билан табриклади.

— Бу мактабда яқин 15-16 километр атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг фарзандлари ўқийди, — дейди туман ҳокими Дилшод Шакарбоев. — Улар қир ошиб, пиёда икки соатча йўл босиб илм олгани келади. Улар бу кунларни сабрсизлик билан кутди. Янги мактаб ўқувчиларимиз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Айнан, шу ёшлар орасидан юртимизни дунёга танитадиган олим ва спортчилар чиқишига ишонаман.

Туманнинг яна бир олис маҳалласи — Юқори Жўшдаги 45-мактаб 1980 йилда ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, бино яроқсиз ҳолатга келиб қолганди. Бу мактабда ҳам 2017 йилда инвестиция дастури асосида 140 ўринли қўшимча бино қуриб берилган. Аммо ўқувчиларнинг сони 270 нафардан ортиқ.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан 2,1 миллиард сўм маблағ ажратилди ва мактаб ҳудудида яна 180 ўринли кўркам бино қад ростлади. Бу ерда ҳам мактабга кириб-чиқиш йўлини тўсган сой устида 17 метрлик кўприк, болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун минифутбол майдончаси қурилди.

— Вилоят прокуратурасидан одамлар келиб, янги мактаб қурамиз, дейишганида ишонмагандик, — дейди 45-мактаб директори Раҳмиддин Болиқулов. — Аммо ишлар жадал бошланиб кетди, қисқа муддатда янги бино қуриб битказилди. Мактабда 7 та маҳалла ёшлари ўқийди. Шароитлар шаҳар мактаблариникидан сира қолишмайди.

Янги таълим масканлари ушбу маҳаллалар аҳли, ўқитувчи ва ўқувчилар учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди. Мазкур объектларни, ҳеч шубҳасиз, давлатимизнинг таълимга қаратаётган эътиборининг амалдаги исботи дейиш мумкин.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**







# «СИЗДА нақд пулми ё пластик?»

*Бир қоп ун нақдга 220 минг сўм, тўлов терминали орқали бўлса 225 минг сўм. Нега бундай? Дўкон сотувчиси билан ҳар иккисида ҳам тўловда нарх бир хил бўлиши лозимлиги ҳақидаги баҳсимиз натижа бермади, у “Мен унни нақдга олиб келганман”, дея безрайиб туриб олди.*

## Оғриқли нуқта

Кўпчиликнинг ёдида, бундан неча йиллар аввал банк пластик карталаридан фойдаланиш жорий этилиб, истеъмолчилар билан ҳисоб-китобни замонавий тўлов терминаллари орқали амалга ошириш йўлга қўйилгани аҳолига катта қулайлик туғдирган, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида бу масала қатъий қилиб қўйилган эди.

Буни қарангки, кейинги пайтларда онлайн назорат-касса машинаси ва тўлов терминали мавжуд бўлишига қарамасдан уларни ишлатишни хуш кўрмайдиган сотувчилар учрамоқда. Айниқса, тўловни пластик картадан ечиб олишни у ёки бу баҳона билан рад этиш ҳолатлари кўнгилни хира қилади. Бу тоифадаги сотувчи ва хизмат кўрсатиш ходимлари нима учун нақд пул олишни афзал кўришади? Товар айланмаси шаффофлигини яшириш, солиқдан қочиш учун, шундай эмасми? Турган гапки, қонунбузарлик охир-оқибатда “яширин иқтисодиёт”га йўл очади.

“Яширин иқтисодиёт” — ўзининг табиати бўйича расмий статистикаларда кўрсатилмайдиган ва давлат назоратидан четда қоладиган иқтисодий фаолиятлар йиғиндиси. Унинг кўлами нафақат солиқ базасининг қисқаришига, балки ижтимоий адолатсизлик ва иқтисодий ноаниқликнинг ортишига ҳам олиб келади.

Ушбу соҳада белгиланган қонун-қоидаларнинг бузилиши яна бир ҳолат — онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланиш масаласида ҳам кўзга ташланади. Мисол учун, савдо тармоқларида кўпинча харидимизни тасдиқловчи чекни сотувчилар тақдим этмайди ёки ўзимиз сўрамаймиз. Ҳолбуки, чекни талаб қилиш — Давлат бюджетига солиқлар тушуми ортишига, “яширин иқтисодиёт” улушининг қисқаришига йўл очади. Бу ишга эътиборсизлик даромадини яширишга уринаётган субъектларнинг тегирмонига сув қуйишдан бошқа нарса эмас.

Бугунги кунда савдо ва хизмат кўрсатишнинг ушбу оддий талаблари ижроси қандай назорат қилинмоқда?

— Истеъмолчиларга харид чеки бермаслик каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича “Soliq hamkor” тизими орқали келаётган мурожаатлар асосида соҳа ходимлари томонидан сайёр текширувлар ўтказилмоқда, — дейди Наманган вилояти солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Мухторжон Аҳмедов. — Хусусан, жорий йилда вилоятда ушбу тизим орқали келиб тушган 1074 та мурожаат бўйича тадбиркорлик субъектларида текшириш ўтказилиб, тегишли чоралар қўлланилди. Савол туғилади: нима, ушбу субъектлар мутасаддилари чек беришни рад этиш ёки бермаслик Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 221-моддасига мувофиқ 5 миллион сўм миқдоридаги жарима солинишига сабаб бўлишини билмайди дейсизми?! Билишади.

У ҳолда Давлатобод туманидаги Ирвадон маҳалласида жойлашган “Малоҳат” номли умумий овқатланиш шохобчасида мижозга 26 минг сўмлик харид чеки берилмаганини, кунлик 1 миллион 487 минг сўм нақд пул онлайн назорат-касса машинасига кирим қилинмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Ёки Янги Наманган туманидаги “Istanbul food” масъулияти чекланган жамиятга қарашли ошхонада ўтказилган сайёр солиқ текширувида ҳам сотувчи томонидан харидорга 78 минг сўмга чек берилмагани, кунлик савдодан тушган 19 млн. 535 минг сўм нақд пул кирим қилинмагани аниқланди. Мазкур йўналишдаги бошқа ҳолатлар бўйича солиқ идораси ходимлари томонидан белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомалари расмийлаштирилган.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Наманган вилоятида 9 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланмоқда. Уларнинг аксарияти тўлов терминаллари билан жиҳозланган.

Хўш, юқорида келтирилган рақамлар озми ёки кўп? Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳар қадамда учраши ва кун сайин кўпайиб бораётгани ҳисобга олинса, саволга жавоб ойдинлашади. Қолаверса, халқимизга қулайлик яратиш учун ўрнатилган ушбу воситалар ҳамиша ва ҳамма жойда тўлиқ ишламоғи лозим. Шунда чек орқали расмийлаштирилмаган харидга ўрин қолмайди, замонавий электрон ҳамён — банк пластик карталари эгалари ҳисоб-китобда асоссиз тўсиқларга дуч келмайди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**6 — 8 сентябрь кунлари пойтахтимизда яна бир йирик тадбир — «Pepsi Music Fest» мусиқа фестивали бўлиб ўтади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.32 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6